

ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАРДА ТАКТИК БЎЛИНМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академияси 1 – босқич тингловчиси
майор Абдуллаев Мансур Озодович*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Жаҳонда ва минтақада содир этилаётган гибрид ва асимметрик қуроли тўқнашувларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Мавзу доирасида қиёсий таҳлиллар ва ретроспектив ёндашувдан келиб чиқиб мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: локал уруш, тактик ҳаракат, қуролли можаро, гибрид уруш, асимметрик уруш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются особенности столкновений с гибридным и асимметричным оружием, происходящих в мире и в регионе. В рамках темы приводятся примеры, основанные на сравнительном анализе и ретроспективном подходе.

Ключевые слова: локальная война, тактические действия, вооруженный конфликт, гибридная война, асимметричная война.

ABSTRACT

This article explores the peculiarities of hybrid and asymmetric weapon collisions taking place in the world and in the region. Within the framework of the topic, examples are given based on comparative analysis and a retrospective approach.

Keywords: local war, tactical action, armed conflict, hybrid war, asymmetric war.

Мамлакатларнинг миллий ва геосиёсий манфаатларидан, жаҳондаги ва минтақадаги юзага келган ҳарбий-сиёсий вазиятдан, ҳарбий соҳада мамлакатларнинг миллий хавфсизлигига бўлган таҳдидлар даражасидан, рўй бераётган замонавий ҳарбий можароларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб Марказий Осиё мамлакатлари шу жумладан, Ўзбекистон Республикасига ҳам эҳтимолий ҳарбий тўқнашувларга қарши курашишга, локал, гибрид¹, асимметрик² ва минтақавий урушларни пайдо бўлишига қуролланган тўқнашувларга қарши курашиш талаби ортиб бормоқда.

¹ **Гибрид уруш**–бу душманлик ҳаракатларининг бир тури бўлиб, унда ҳужум қилувчи томон классик ҳарбий босқинга мурожаат қилмайди, балки яширин операциялар, саботаж, кибер урушлар комбинацияси ёрдамида рақибини бостиради, шунингдек душман ҳудудида фаолият юритаётган исёнчиларни қўллаб-қувватлайди.

² **Асимметрия** (қад.-юнон. ἀσυμμετρία. “номутаносиблик” дан “мен ўлчайман”) – симметрия (тенглик) нинг йўқлиги ёки бузилиши. Бу атама кўпинча визуал объектларга нисбатан ва тасвирий санъатда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганидек: “Бугунги кунда бутун жаҳонда, жумладан, бизнинг минтақамизда, бевосита чегараларимиз яқинида турли таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили биздан Қуролли Кучларимизнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қуроллардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш қобилиятини оширишни тақозо этмоқда” [1].

Минтақавий, гибрид (ассиметрик) ва локал кўринишидаги урушлар - қуролли тўқнашувларда террористик ва қўпоровчилик ҳаракатлардан кенг фойдаланиш, стратегик муҳим объект ва ҳудудларни қўлга олишга ёки издан чиқишга интилиш, логистика, энергетика, ахборот (технология) коммуникацияларини бузиш (бостириш) ва йўқ қилиш билан ифодаланадиган ҳарбий ҳаракатлардир.

Замонавий умумқўшин жангининг асосий хусусиятлари вазиятнинг тез ва шиддатли ўзгариши, ҳаракатлар fronti ва сарҳадларининг чуқурлиги бир чизигда жойлашмаслиги, жангни олиб бориш усуллариининг турли туманлиги, шахсий таркибнинг жисмонан ва ахлоқий – руҳий жиҳатдан кучли зўриқиши, жонли кучлар ва қурол-яроғ бўйича катта талофат кўрилишидан иборат [2].

XXI асрнинг бошида рўй берган ҳарбий мажороларни ривожланиш тенденция³сини ўзига хослиги бу ҳарбий санъатда кенг масштабда олиб бориладиган тактик ҳатти-ҳаракатларда ўз ифодасини тўлиқ намоён қилмаётганлиги, бунда жанг майдонининг турли хил кўринишда эканлиги билан характерланади. Замонавий жангда қуруқликдаги қуролли кучлар, Иккинчи Жаҳон уруши даврида бўлгани каби алоҳида тактик бирликларнинг комбинациясига эга бўлган бўлинмалар, бригадалардан иборат бўлмасдан юқори мобил тактик гуруҳлардан ташкил топган [3].

Таҳликали, кескин ўзгарувчан қуролли можароларда, тўқнашувларда ва локал урушларда жанг олиб бориш анъанавий (классик) жанговар ҳаракатлардан тубдан фарқ қилиши кичик гуруҳлар таркибига эга бўлган гуруҳ ва бўлинмалар таркибида ҳаракатланиш ва бу билан юқори манёвра, тезкорликка, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилган ҳолда жанг олиб бориш тенденцияси билан характерланади.

³ Тенденция – (эски лот. *tendentia* – “йўналтирмақ”), (лот. *tendo* – “йўналтираман”), бирор нарсанинг ривожланиши содир бўладиган маълум бир ҳодисага нисбатан барқарор ривожланиш йўналиши.

“Харбий можаро”лар тушунчаси кенг масштабли, минтақавий, маҳаллий урушлар ва қуролли тўқнашувларни ўз ичига олган барча қуролли қарама-қаршиликлардан иборат бўлган харбий ҳаракатлардир.

Ҳарбий соҳа тадқиқотчилари замонавий харбий можароларнинг ўзига хос жиҳатларини, (классик) анаънавий усуллардан фарқли эканлигини Иккинчи Жаҳон урушидаги анаънавий характерга эга бўлган харбий ҳаракатлар билан қиёсий таҳлил қилиб, ёритиб берганлар [5].

Шаҳар шароитидаги ноанъанавий жанговар ҳаракатларнинг хронологиясини кузатадиган бўлсак, 2006 йилдаги Ливан урушидаги “Хизбуллоҳ” диний сиёсий ташкилотининг ҳаракатларида яширин позициялар ва ер ости коммуникация⁴ларидан фойдаланган ҳолда шунингдек, Ливаннинг аҳоли пунктларида манёврлар амалга ошириб Исроил армияси кучларини нейтраллизация ҳолатига келтиришга эришган. Ушбу тактика натижасида Исроил армияси Ливан билан Исроил чегарасидаги аҳоли яшаш пунктида икки ҳафта давомида “Хизбуллоҳ” ташкилоти позицияларига нисбатан самарасиз ҳужумлар олиб борган. Исроил армияси замонавий ҳаво кучларини қўллаганлиги сабабли “Хизбуллоҳ” аъзоларини тор-мор қилишга эришган [5].

Шунингдек, Яқин шарқ давлатларида фаолият юритаётган “Ислом давлати”нинг мунтазам кучларга қарши олиб бораётган террористик ҳаракатларини баҳолайдиган бўлсак, уларнинг ҳаракати ҳам айнан ноанъанавий қуролли можаролар синфига киради.

2011 йилнинг март ойларида “Араб баҳори” номи билан бошланган кўзғолонлар яқин Шарқ давлатларида оммавий тартибсизликлар, қуролли можаро ва кўзғолонларни юзага келтирди. 2014 йил апрель ойида Сурия Араб Республикаси Қуролли Кучларига қарши ноқонуний қуролланган кўзғолончилар фаолияти кескин даражада жадаллашди. Сурия Араб Республикаси Қуролли кучлари томонидан “Ислом давлати” ноқонуний қуролланган ташкилотига қарши олиб борилаётган тадбирлар деярли шаҳар шароитида амалга оширилмоқда. Ушбу кучларга қарши ўтказилаётган жанговар ҳаракатлар ўрганилаганда, улар билан кураш олиб бориш вақтида қоидага кўра, душман билан тўқнаш келгунга қадар, яъни масофали ўт очиш жанги орқали йўқ қилиш амалга оширилган, бунда авиация ва артиллерия кучларидан фойдаланилган, бу ҳаракатдан сўнг яқуний харбий ҳаракатларни қурукликдаги қўшинлар давом эттираётганлигини кузатиш мумкин [6].

Россиялик мутахассисларни Сурия Араб Республикасида олиб бораётган харбий ҳаракатлардан шундай ҳулосага келишдики ИШИД жангариларнинг ўта

⁴ Коммуникация - (лот. *Communicatio* - хабар, узатиш; лот. *Communico* - умумийлаштираман), коммуникация - харбий фаолиятда, алоқа йўли, алоқа линияси, таъминот.

қатъиятлик билан жанг олиб боришганлигини таъкидлашган. Душманнинг тирик кучларини 50 фоизини йўқотишларига қарамасдан, ўз позициясининг ташлаб кетмаслиги, қабул қилинган қарорларига амалга ошириш учун охиргача курашишлиги кузатилган. ИШИД позицияларни қўлга олиш учун душманнинг 90 фоизгача объектларига ўт очиб шикастланишни амалга оширишган. Жанг давомида “ИШИД” отрядлари ўз позицияларини ташлаб кетиш ҳолатлари бўлмаган. Жангарилар таянч пунктларини ушлаб туришни сўнги дамгача олиб боришган [7].

Юқорида келтирилган, ҳарбий мажароларнинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, аксарияти ҳарбий ҳаракатлар шаҳар ва аҳоли яшаш пунктлари ҳудудларида содир этилаётганлиги, бу эса ўз навбатида душман билан яқин масофада жанг олиб боришда асосий қурол сифатида ўқ-отар қуроллари ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмаганлигидан далолат беради.

Қуролли кучларнинг жанговар (командирлик) тайёргарлик тизимларида ўқ отиш тайёргарлиги фани асосий фанларидан бири бўлиб ҳисобланиши, шахсий таркибнинг жанговар малакасини оширишнинг таркибий қисмилигича қолаётганлиги, унинг мақсади шахсий таркибга қурол-аслаҳаларни ҳамиша жанговар шай ҳолатда сақлаши, замонавий жанг шароитларида душманнинг куч ва воситаларига талофат етказиш учун самарали ўқ отишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Сурия Араб Республикасида шаҳар, аҳоли яшаш пункти шароитларидаги жанговар ҳаракатларнинг ўзига ҳослиги ўрганиб, урбанизация⁵лашган ҳудудлар устидан назорат ўрнатилишнинг муҳим шартларидан бири замонавий тўқнашувлар давомида муваффақиятга эришишнинг бир қатор ўзига хосликларини намоён қилмоқда.

Биринчидан, кўрашаётган томонларнинг жанговар тўқнашувининг аниқ бир чизиғининг йўқлиги ва унинг вертикаль бўйича чўзилганлиги (иншоотларнинг ер ости коммуникацияларидан юқори қаватларигача) ва чуқурлиги шаҳарда жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг ўзига хосликлари.

Иккинчидан, куч ва воситалар билан манёврларни амалга оширишдаги зирҳли (автомобил) техникалардан фойдаланишдаги тўсиқлар сони кўплиги сабабли пайдо бўлаётган қийинчиликлар.

Учинчидан, жангариларнинг жанг олиб бориш ҳудудлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эканлиги.

Туртинчидан, жанговар ҳаракатлар аҳоли яшаш кварталларида олиб борилаётганлиги.

⁵ **Urbanizatsiya** (frans. *urbanisation*, ing. *urbanization*, lot. *urbanus* — shaharga mansub, *urbs* — shahar) — jamiyat hayotida shaharlar rolining ortib borishi; ishlab chiqaruvchi kuchlarning joylashuvi, aholining ijtimoiy, demografik tarkibi, turmush tarzi va madaniyatidagi o'zgarishlar bilan bog'liq.

Шубҳасиз, сезиларли миқдорда тинч аҳоли кўшинлар ҳаракати учун жиддий қийинчиликлар туғдиради ва жанговар ҳаракатлар зонасидан уларни олиб чиқишни таъминлаш, жойлаштиришни ташкил этиш, улар орасидан жангариларни аниқлаш бўйича тадбирларни ўтказиш учун қўшимча куч ва воситаларни жалб қилишни талаб қилади. Бундан ташқари, шаҳарда тинч аҳолининг мавжудлиги энг катта қийинчилик туғдиради, баъзи ҳолларда эса артиллерия ва армия авиациясини қўллашга тўлиқ имкон бермайди. Шаҳар шароитидаги ҳаракатларда ҳарбий кучдан минимал фойдаланиб аҳоли яшаш пунктини қўлга олиш бўйича вазифани бажариш усулини топиш энг асосий муаммо ҳисобланади. [8]

Юқори қайд этилган ҳарбий мажоролар шуни кўрсатдики, турли шароитларда ноанъанавий урушларни олиб бориш ҳаракатларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари бу жанг олиб боришда юқори манёврни намоён қилган ҳолда ўқ-отар қуролларидан тезкорлик билан ҳужумга ўтиш ёки ҳужумни қайтариш билан душманнинг тирик куч ва воситаларини йўқ қилиш билан самарали жанг олиб бориш усулларидан фойдаланишдир.

Қисқа ва ўрта масофаларда жанг олиб бориш хатти-ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш мақсадида отиш тайёргарлиги ва тактик (маҳсус) тайёргарлик фанларининг назарий билим ва амалий кўникмаларини уйғунлаштириш орқали тактик вазиятли ўқ отиш машғулотларини шакллантириш, бу билан ҳарбий хизматчиларнинг яқка тартибда ёки гуруҳ таркибида ўқ отиш усулларининг кўникмаларини юқори даражада шакллантиришни ўрганиш, ушуб ўқув жараёнида ўқ отиш тайёргарлиги фанидан олиб бориладиган ўқув машғулотларни эса реал жанговар ҳолатга яқинлаштирилган ҳолда ташкиллаштирилиши лозим [9].

Тактик вазиятли ўқ отиш жанг майдонида бўлиб ўтадиган турли ҳарбий вазиятларнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги миқёсларда олиб борилиши мумкин:

Қисқа масофада жанг олиб бориш масофаси қисқа масофа 5 метрдан 20 метрга қадар, яқин масофадан 20 метрдан 100 метрга қадар ва ўрта масофадан эса 100 метрдан 500 метрга қадар олиб борилиши мумкин [10].

Ушбу жанг олиб бориш масофалари бўлинмаларнинг қурол яроғларининг жанговар хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Ушбу ўқ отиш ҳаракатларини жадаллаштириш мақсадида турли ўзгарувчан ҳарбий вазиятларни ўзида намоён этган нишонлар фони яратилади, ўқув жанговар ҳаракатларни амалга ошириш борасида жанговар тактик моделлар яратилади.

Ушбу тактик вазиятли ўқ отиш моделини шакллантириш учун ҳарбий полигонларнинг маҳсус участкаларида турли тактик вазиятлардан иборат бўлган моделлар яратилади.

Тактик вазиятли амалий отиш машқларини бажариш жараёнида отиш машғулоти катта раҳбари томонидан ностандарт вазиятларни инобатга олган ҳолда ўқув машқларнинг талабларига ўзгартириш киритилишга руҳсат беради.

Таҳликали вазиятларда жангчи ўз ҳаёти учун хавфли бўлган муҳитда ҳаракатланиши, мудофаадан қарши ҳужумга ўтиш бу билан шартли душман нишонларига қараб самарали жанг олиб бориш машқларини бажаради.

Юқорида келтирилганларни таҳлил қилиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкинки, амалий отиш машғулотлари ўтказилганда, жанговар ҳаракатларга имкон қадар яқинлаштирилган тарзда ташкиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний кучларини максимал сафарбар этиш орқали жангчининг жанговар иродаси мустаҳкамланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 13 январь кунги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги нутқи.
2. Долимов Ш. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. –Т.: 68 бет.
3. https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/sovremennaya-voynaeto-borba-za-informatsionnoe-prevoskhodst/?sphrase_id=49182406;
4. “Традиционная” война стала паритетом- <https://www.rol.ru>. Мурожаат санаси: 03.05.2023 й
5. П.С.Казарин О соотношении Понятий “Война и вооруженный конфликт” Константина Сивков [HYPERLINK https://vvo.ric.mil.ru/Stati/item](https://vvo.ric.mil.ru/Stati/item). Мурожаат санаси: 03.05.2023 й
6. Как изменилась военная стратегия со времен Второй мировой войны <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/sovremennaya-voyna-etoborba-za-informatsionnoe-prevoskhodst/>. Мурожаат санаси: 03.05.2023 й
7. Александр Хомутов <https://arsenal-otechestva.ru/article/1406-obshchevojskovyeformirovaniya-v-sovremennykh-voennykh-konfliktakh>. Мурожаат санаси: 03.05.2023 й
8. Халқаро террористик ташкилотлар жангари гуруҳларининг шимолий африка ва яқин шарқ давлатларида олиб бораётган жанговар ҳаракатлари. <http://library.ziyonet.uz> Мурожаат санаси: 03.05.2023 й
9. Выступление командующего ЦВО ВС РФ генерал-лейтенант Лапина А.П в Академия ВС РУ перед ППС и слушателями факультета ВБ и ОГ. 14.02.18 й
10. Самаров Р.Р, Юсупов. Р, Ибрагимов М, Замонавий уруш ва қуролли тўқнашувлар тенденцияси: ҳарбий санъатнинг ривожланиш контекстида (монография).- Тошкент - 2021. 303 б.